

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ»

**ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**5230600 – «Молия» таълим йўналиши учинчи босқич талабаларига
мўлжалланган**

САМАРҚАНД – 2015

Ахроров З.О. Корхоналар молияси. Мустақил ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2015, 20 б.

Мазкур услубий иш «Корхоналар молияси» фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш масалаларига бағишланган бўлиб Давлат таълим стандартлари ва фан дастури талаблари асосида тайёрланди. Ишда фан бўйича мустақил ишларнинг мазмуни, аҳамияти ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар кенг ўрин олган.

Услубий кўрсатмалар 5230600 – «Молия» таълим йўналиши учинчи босқич талабаларига мўлжалланган. Ундан бошқа таълим йўналишлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Услубий кўрсатмаларни тайёрлашда бошқа фанлар бўйича ушбу масалага оид чоп этилган ишлардан фойдаланилди.

Тақризчилар: Алиева С.С. – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Бозоров О. – Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси шўъба бошлиғи

Мазкур услубий кўрсатма олий таълимнинг 230000 – "Иқтисод" таълим соҳасининг 5230600 – “Молия” таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Услубий кўрсатма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2015 йил 26 август 1-сон баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Институт ўУКнинг 2015 йил 30 август 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

КИРИШ

Ўзбекистонда таълим тизимининг молиявий бошқарувини такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлашнинг янги бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва бошқарувнинг замонавий шакл ва усулларида фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Корхона ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз тушунамиз. Корхона фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда¹.

Шу муносабат билан билим даражасини ошириш, корхоналар молиявий маблағларни шакллантириш ва сарфлашнинг самарали шакли ва тартибидан фойдаланиш, уларни амалда жорий этишни ошириш айниқса муҳимдир.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 5230600 – “Молия” таълим йўналиши талабаларининг ўқув режасида “Корхоналар молияси” фанини ўрганиш кўзда тутилган. Мазкур фан маърузалар, амалий машғулотлар ва талабаларнинг мустақил ишлари шаклида ташкил қилинади.

«Корхоналар молияси» фанини ўқитиш технологияси таркибида талабаларнинг мустақил ишлари масаласи алоҳида ўрин тутди. «Мустақил иш муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисми бўлиб, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида корхоналар молиясиорияда ёки корхоналар молиясиориядан ташқарида бажарилади»². Талаба мустақил иш орқали ўзининг касбий маҳоратини оширади ва

¹ Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

² Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ Ҳайъати томонидан 2009 йил 21 февралдаги 2/7 – сонли қарори билан тасдиқланган «Фаннинг Ўқув – методик мажмуаси таркиби». – Т.: ЎзР. Олий ва ЎМТВ, 2009, 226.

амалиётдаги фаолиятга мослашади.

Услубий ишда “Корхоналар молияси” фанидан талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, бажариш тартиби, назорати ва баҳоланиши масалаларининг методологик жиҳатлари ўз аксини топган. Услубий кўрсатмалар 5230600 – “Молия” таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган. “Корхоналар молияси” фанидан мазкур услубий кўрсатмаларни тайёрлашда олий таълим соҳасига оид меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардан ва муаллифнинг ушбу масала бўйича чоп этилган ишларидан фойдаланилди.

I. «КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, АҲАМИЯТИ ВА ТАЛАБАЛАР КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

«Корхона молияси» фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишдан мақсад – корхоналарни бошқаришда тўғри молиявий қарорлар қабул қилишда амалий маълумотларни тўғри танлаш, таққослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Бу эса ўқитувчи олдига талабаларга корхоналар молиясини ташкил этиш ва бошқариш асослари ҳақида назарий билим билан амалий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиёти корхоналари молия сиёсатининг асосий йўналишларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича уларда амалий кўникмалар ҳосил қилишни таъминлайди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фан ўз предметини амалий қирраларини куйидаги вазифаларни амалиётга тадбиқ этишни таъминлашда хизмат килади, яъни:

- корхоналар молиявий ресурсларини ташкил этиш;
- корхонанинг айланма маблағларини молиялаштириш тартибларини ўрганиш;
- корхона маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, уларни ташкил этиш ва маҳсулот сотишдан тушумини амалий услубий ёндашувлар орқали ҳисоблаш усуллари ўрганиш;
- корхона фойдаси (даромад)ни ташкил этиш манбаларининг тақсимланиши, ишлатилиши ва режалаштирилишини ҳисоблашни ўрганиш;
- корхона фойдаси (даромад)ни солиққа тортиш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни мустақил тузишни ўрганиш;
- корхона фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаштириш усуллари ўрганиш;
- корхоналар пул тушумини режалаштириш ва тақсимлашни ўрганиш;
- пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар тизимини ўрганиш;
- корхонада молиявий режалаштиришга боғлиқ ҳисоб-китоб усуллари ўрганиш;
- корхонада бахони ташкил этишни амалий усуллари ўрганиш ва х.к.;

«Корхоналар молияси» фани «Молия», «Иқтисодиёт назарияси», «Статистика», «Молиявий ва бошқарув таҳлили» каби фанлардан олинган амалий билимларга таянади.

Шунингдек, «Корхоналар молияси» фани катор махсус ва ихтисослик фанлар, жумладан, «Давлат бюджети», «Антиинкирозий бошқарув», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», «Молиявий бизнес режа», «Корпоратив молия» каби фанларни амалий жихатларини ўрганиш ва узлаштириш учун услубий асос бўлиб хизмат килади.

II. «КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Молия” таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурига асосан ўқитиш босқичларида аниқ фанлар маълум кетма – кетликда ўрганилади.

Фанларни ўқитиш турлари ва шакллари қуйидагиларга бўлинади. Ўқитиш турлари:

- назарий билим бериш;
- амалий билим бериш;
- мустақил равишда таълим олиш.

Талабаларга назарий билим бериш фан мавзулари бўйича маърузлар орқали амалга оширилади. Маърузаларнинг мақсади ва вазифаси бўлғуси мутахассисларга назарий жихатдан билим бериш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини топишдан иборат. Маърузаларда мазкур фаннинг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотлар назарий жихатдан олинган билимларни амалиётда қўллаш ва шу йўл билан амалий қўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Амалий машғулотлар мавзу бўйича аниқ топшириқларни бажариш, хўжалик вазиятларни ҳал қилишга қаратилган бўлади. Талабанинг мустақил равишда таълим олиши мустақил иш орқали амалга оширилади. Мустақил иш жараёнида фан мавзуларининг алоҳида масалалари талаба томонидан мустақил равишда ўрганилади.

Олий ўқув юртларида ўқув шакллари қуйидагиларга бўлинади:

- кундузги ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда);
- сиртқи ўқув шакли (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда);
- масофавий ўқув шакли.

Ўқув шакллари ктаълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

«Молия» таълим йўналиши бўйича «Корхоналар молияси» фанининг ҳажми ва таркиби қуйидаги мазмунга эга (1-жадвал):

1 – жадвал

«Корхоналар молияси» фанининг ҳажми ва таркиби

Т/р	Машғулот тури	Ажратилган соат
1.	Назарий (маърузалар)	36
2.	Амалий машғулотлар	36
3.	Мустақил иш	72
Жами		144

«Корхоналар молияси» фанининг мавзулари қуйидаги тартибда тақсимланган (2 – жадвал):

2 – жадвал

«Корхоналар молияси» фанининг ўқитиш турлари бўйича мавзулари тақсимооти


№	Мавзу номи	Жами	Маъ- руза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1	Мавзу 1. «Корхоналар молияси» фанининг предмети ва вазифалари	8	2	2	4
2	Мавзу 2. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни, уларни ташкилий ва ҳуқуқий шакллари				
3	Мавзу 2.1. Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни, уларни корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари	8	2	2	4
4	Мавзу 2.2. Корхоналар фондлари таркиби, уларни тартибга солишда корхоналар молия хизматининг вазифа ва функциялари	8	2	2	4
5	Мавзу 3. Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, уларни режалаштириш ва молиялаштириш				
6	Мавзу 3.1. Корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни таснифланиши	8	2	2	4
7	Мавзу 3.2. Корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш	8	2	2	4
8	Мавзу 4. Корхонада пул тушуми, уни режалаштириш ва тақсимлаш	8	2	2	4
9	Мавзу 5. Корхоналар фойдаси, унинг тақсимланиши ва ишлатилиши				
10	Мавзу 5.1. Корхоналарда фойда ва рентабеллик	8	2	2	4
11	Мавзу 5.2. Корхоналар фойдасининг тақсимланиши ва ишлатилиши	8	2	2	4
12	Мавзу 6. Корхоналарда солиқ ва солиққа тортиш ва инвестициявий фаолияти				

13	Мавзу 6.1 Бозор муносабатларини ривожланиш шароитида солиқ ва солиққа тортиш	8	2	2	4
14	Мавзу 6.2. Корхонанинг инвестициявий фаолияти	8	2	2	4
15	Мавзу 7. Корхоналарда баҳони ташкил этиш	8	2	2	4
16	Мавзу 8. Корхоналарнинг ўз капиталини бошқариш	8	2	2	4
17	Мавзу 9. Корхона молиявий активларини бошқариш				
18	Мавзу 9.1. Корхона молиявий активларини бошқариш	8	2	2	4
19	Мавзу 9.2. Корхона қимматли қоғозлар портфелини бошқариш	8	2	2	4
20	Мавзу 10. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда молиявий режалаштириш				
21	Мавзу 10.1. Корхоналарда молиявий режалаштириш	8	2	2	4
22	Мавзу 10.2. Корхоналарда бюджетлаштиришнинг моҳияти ва таркиби	8	2	2	4
23	Мавзу 11. Корхоналар фаолиятида бизнес режа				
24	Мавзу 11.1. Корхоналар фаолиятида бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти	8	2	2	4
25	Мавзу 11.2. Бизнес режанинг таркиби ва уни тузиш тартиби	8	2	2	4
	ЖАМИ	144	36	36	72

Ўқув жараёнида «Корхоналар молияси» фанини ўрганиш талабаларнинг бевосита маърузаларда, амалий машғулотларда иштирок этишлари, мавзулар бўйича тавсия этилган саволларни мустақил ўрганишлари орқали амалга оширилади. Маъруза ва амалий машғулотларда суҳбатлар, долзарб масалаларда мунозаралар (дискуссиялар), савол – жавоблар ўтказилиб борилади, мавзулар бўйича кейслар бажарилади. Машғулотларни ўтказишда амалиёт маълумотларига асосан ўқитишнинг интерфаол шаклларида «Ақлий ҳужум», «Блиц-ўйин», «ФСМУ (Фикрлаш, сабабини баён этиш, мисоллар келтириш, умумлаштириш)» дан ҳамда бухгалтерия ҳисоби, корхоналар молияси меъёромаларидан, компьютер воситаларидан ва амалиёт маълумотларидан кенг фойдаланилади. Айрим мавзуларнинг мазмун–моҳияти интернет тармоғи орқали ўзлаштирилади.

Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш рейтинг тизими талаблари асосида амалга оширилади. Рейтинг шартларига асосан талабалар жорий назорат («ЖН»), оралиқ назорат («ОН») ва якуний назорат («ЯН») ларни топширадилар.

«Корхоналар молияси» фанининг ўқитиш технологияси мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин (1 – чизма)¹:



1 – чизма. «Корхоналар молияси» фанининг ўқитиш технологияси.

Мазкур ўқитиш технологияси таълим шакллари, таълим воситалари, назарий ва амалий машғулотлар ҳамда талабаларнинг мустақил ишларини ўз ичига олади. Назарий машғулотлар маърузалар шаклида олиб борилади. Унда талабалар корхоналар молиясининг назарий жиҳатлари, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий ресурсларидан фойдаланиш, корхоналарнинг кўрсаткичларини корхоналар молияси қилиш услуги билан яқиндан танишдиладар. Амалий машғулотларда мавзулар бўйича топшириқлар ва кейслар бажарилади. Мустақил ишда назарий ва амалий машғулотларга оид қўшимча вазифалар талабалар томонидан ўрганилади.

Талабаларнинг билимлари назорат турлари бўйича баҳоланиб борилади.

III. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Фанларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш жараёнида айрим масалалар талабалар томонидан мустақил равишда ўрганилади. Ушбу масала ёки саволнинг мазмуни ўрганилаётган фан, маърузаларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Талабаларнинг мустақил ишлари меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар, йўриқномаларни чуқур ўрганиш, назарий ва амалий машғулотларнинг айрим топшириқларини бажаришга қаратилган бўлади. Мустақил иш мазмуни алоҳида фан хусусиятидан келиб чиқади. Мисол учун, корхоналар молиясиорияда бажарилган ҳисоблаш ишларнинг маълум қисмини мустақил равишда бажариш, даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларини мустақил равишда аниқлаш, чизмалар, жадвалларнинг шакллари мустақил тайёрлаш, ҳисоботлардаги кўрсаткичларни мустақил

таҳлил қилиш, алоҳида мавзу ёки савол бўйича илмий ахборот (мустақил иш)лар тайёрлаш ва бошқалар.

Талаба мустақил ишининг аҳамияти шундаки, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган масалалар меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қўшимча манбалар орқали чуқур ўрганилади, натижада талабалар мазкур фандан тўлиқ билимга эга бўладилар ва бўлғуси мутахассиснинг касбий маҳорати шаклланиб боради.

Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

Мустақил ишларнинг турлари ва шакллари:

✓ такрорлаш ва машқ қилиш – мавзу материалларини такрор-такрор ўқиб чиқиш, таҳлил қилиш, берилган топшириқларни (кейслар, масалалар, ҳўжалик ситуацияларини) мустақил ечиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ҳосил қилиш ва маълум тажрибани (малакани) шакллантириш;

✓ янги билимларни мустақил ўзлаштириш – мавзу бўйича янги материалларни излаб топиш, конспектлаштириш, мустақил фикрларни шакллантириш;

✓ ижодий характердаги ишлар – мавзуга оид мунозарали жиҳатларни излаб топиш, улар бўйича олимлар фикрларини ўрганиш ва конспектлаштириш, талабалар илмий тўғарагида (анжуманида) чиқиш қилиш учун янгича фикр, ғоя ва усулларни ўзида мужассамлаштирган мустақил иш, мақола, маъруза матни тайёрлаш.

Мустақил ишларга қўйилган вазифалар:

- фан бўйича билимларни талаба томонидан мустақил равишда ўрганиш;

- қўшимча маълумотларни топишнинг қулай усул ва воситаларини аниқлаш;

- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;

- илмий ва ўқув адабиётлар билан мустақил равишда ишлашга ўрганиш;

- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар устида ишлаш;

- олинган маълумотларни таҳлил қилиш;

- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндошиш;

- янги ғояларни асослаш ва ҳимоя қилиш;

- электрон маълумотлардан самарали фойдалана олиш;

- тадқиқот натижалари бўйича илмий маърузалар қилиш ва ўз тавсияларини асослаш;

- ижод натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.

IV. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Талабанинг мустақил иши шакллари ўрганилаётган фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Мисол учун, гуманитар ва ижтимоий фанлар

бўйича талабанинг мустақил иши кўпроқ классик манбаларни чуқур ўрганишга қаратилган бўлади, умумкасбий фанлар бўйича мазкур фанларнинг назарий жиҳатлари кўпроқ мустақил равишда ўрганилади.

Ихтисослик фанларидан эса талабалар илмий ахборотлар (мустақил ишлар), курс ва битирув малакавий ишларини мустақил равишда бажарадилар.

Меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда талабаларнинг мустақил ишлари шакллари ва турлари қуйидагича ифодаланган³:

- ✓ назарий масалаларни илмий манбалар ва махсус адабиётлардан мустақил равишда ўрганиш ва ўзлаштириш;
- ✓ семинар ва амалий машғулотларга мустақил равишда тайёргарлик кўриш;
- ✓ фан мавзуларининг долзарб масалаларида илмий ахборот (мустақил иш)лар ёки илмий мақолалар тайёрлаш;
- ✓ мавзуларнинг саволлари бўйича ёзма жавоблар тайёрлаш;
- ✓ корхоналарнинг маълумотларини таҳлил қилиш;
- ✓ меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг (қонунлар, қарорлар, йўриқномалар) мазмунини чуқур ўрганиш;
- ✓ курс ишларини бажариш;
- ✓ амалиёт бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- ✓ битирув малакавий ишини бажариш.

«Молия» таълим йўналишининг учинчи босқич талабалари «Корхоналар молияси» фанидан асосан меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини мустақил равишда чуқур ўрганадилар, фан мавзулари бўйича ахборот (мустақил иш)ларни тайёрлайдилар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўрадилар. Ушбу жараёнда қонунлар, қарорлар, маърузалар ва тарқатма материалларнинг мазмунидан кенг фойдаланилади.

V. «КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари, уларга ажратилган вақт таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режалари ҳамда фан дастурида ифодаланган бўлади. Ишчи ўқув дастурида ҳар бир мавзу бўйича мустақил ўрганишга мўлжалланган саволлар, уларни ўзлаштириш тартиби батафсил келтирилади. «Молия» таълим йўналиши талабалари «Корхоналар молияси» фани бўйича талабалар мустақил иш жараёнида корхоналар молиясиорлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганадилар, тавсия этилган адабиётлар билан яқиндан танишадилар, алоҳида масалалар бўйича эса ёзма ахборот (мустақил иш)лар тайёрлайдилар. Ушбу мақсадлар учун фан дастурида 72 соат вақт ажратилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ нинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом», 2005 йил 21 феврал.

“Корхоналар молияси” фани мавзулари бўйича талабаларнинг мустақил ишларига ажратилган саволлар ва соатлар 3-жадвалда келтирилди.

3 – жадвал

«Корхоналар молияси» фани бўйича мустақил ишга ажратилган саволлар ва уларга ажратилган вақт

	Мустақил таълим мавзулари	Ҳажми (соат)
1	«Корхоналар молияси» фанининг предмети ва вазифалари	4
2	Корхоналар молиявий муносабатларининг мазмуни, уларни корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакллари.	4
3	Корхоналар фондлари таркиби, уларни тартибга солишда корхоналар молия хизматининг вазифа ва функциялари	4
4	Корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни таснифланиши	4
5	Корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш	4
6	Корхонада пул тушуми, уни режалаштириш ва тақсимлаш	4
7	Корхоналарда фойда ва рентабеллик	4
8	Корхоналар фойдасининг тақсимланиши ва ишлатилиши	4
9	Бозор муносабатларини ривожланиш шароитида солиқ ва солиққа тортиш	4
10	Корхонанинг инвестициявий фаолияти	4
11	Корхоналарда баҳони ташкил этиш	4
12	Корхоналарнинг ўз капиталини бошқариш	4
13	Корхона молиявий активларини бошқариш	4
14	Корхона қимматли қўғозлар портфелини бошқариш	4
15	Корхоналарда молиявий режалаштириш	4
16	Корхоналарда бюджетлаштиришнинг моҳияти ва таркиби	4
17	Корхоналар фаолиятида бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти	4
18	Бизнес режанинг таркиби ва уни тузиш тартиби	4
	ЖАМИ	72

Талабалар мустақил ишга мўлжалланган саволларни қуйидаги тартибда ўрганадилар:

- ✓ мавзулар бўйича маърузаларнинг мазмунидан фойдаланилади;
- ✓ мустақил иш саволлари тавсия қилинган меъёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар орқали ўзлаштирилади;
- ✓ назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича берилган топшириқлар бажарилади;
- ✓ институт ахборот ресурс марказидаги манбалар орқали айрим савол (мавзу)нинг мазмуни ўрганилади;
- ✓ алоҳида мавзу ёки савол бўйича ёзма ахборот (мустақил иш) тайёрланади;

- ✓ муаммоли масала (савол)ни ўзлаштириш учун ўқитувчидан маслаҳат (консультация) олинади;
- ✓ қўйилган топшириқнинг ечимини топиш учун маълумотлар таҳлил қилинади;
- ✓ мустақил иш учун мўлжалланган саволларга ёзма жавоблар тайёрланади;
- ✓ мустақил равишда жадваллар, чизмалар тайёрланади ва улар амалий
- ✓ машғулотларда фойдаланилади.

Талаба мустақил ишга тавсия этилган саволларни чуқур билиши учун, даставвал ушбу масаланинг назарий жиҳатларини махсус манбалардан мукамал ўрганиши керак бўлади. Мустақил иш бўйича ёзма ахборотлар (мустақил ишлар) талабалар томонидан илмий раҳбар ёрдамида тайёрланади. Шу мақсадларда уларга илмий раҳбарлар тайинланади. Мустақил ишларнинг мавзулари 1-иловада келтирилди.

Талабанинг илмий мустақил иши режага асосан тайёрланиб ўртача 12-15 бет ҳажмида бўлиши мумкин.

Ишнинг кириш қисмида мавзу (масала)нинг аҳамияти, долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритилади. Кейинчалик, қўйилган саволларнинг мазмуни ифодаланади. Саволларни ёритишда талаба ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини беради. Ишнинг сўнгида фойдаланган адабиётлар иловалар келтирилади. Ёзма ахборот (мустақил иш)нинг намунавий режаси 2 – иловада келтирилди. Тайёрланган мустақил иш қабул қилинган тартибда расмийлаштирилади ва илмий раҳбарга тақриз учун топширилади.

Талабанинг мустақил равишда тайёрлаган ёзма ахбороти (мустақил иши)ни расмийлаштириш тартиби 3-4 – иловаларда келтирилди. Илмий раҳбар ёзма иш билан яқиндан танишиб ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради (тақриз ёзади). Мустақил иш талаба томонидан ҳимоя қилинади. Ҳимоя натижалари фан рейтингига қўшилади.

VI. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Талабаларнинг мустақил ишлари учун ахборот манбалари фан бўйича ишчи дастурда кўрсатилади. Ушбу манбалар фан хусусиятидан келиб чиқиб қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- фаннинг ишчи режаси;
- фаннинг ишчи дастури;
- мустақил иш учун тавсия қилинган саволлар;
- мустақил равишда бажариладиган ёзма ахборот (мустақил иш)ларнинг мавзулари ёки саволлари;
- талабаларнинг мустақил ишларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар;
- меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар;
- ўқув адабиётлари;

- интернет маълумотлари;
- амалиёт маълумотлари.

Талабанинг мустақил иши учун асосий манба – бу ўқув адабиётлари ҳисобланади. Буларга фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, машқлар (масалалар) тўплами, маърузалар курси, маърузаларнинг матнлари, услубий қўлланмалар, изоҳли луғатлар, тест савол – жавоблари киради. Талабалар ушбу манбаларга эга бўлишлари ва самарали фойдаланишлари керак.

Бугунги кунда фанларни чуқур ўрганишда электрон таълим ресурсларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бу соҳада электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалари, виртуал лавҳалар (стендлар), ўқув фильмлари, интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш катта самара келтиради. «Корхоналар молияси» фанини ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Молия вазирлиги ва Статистика қўмитасининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш ижобий натижалар беради. Талабаларнинг мустақил ишлари учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар ишда келтирилди.

VII. ТАЛАБА МУСТАҚИЛ ИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Талаба мустақил ишини ташкил қилиш, бажарилишини таъминлаш фан бўйича маърузачи ва амалий машғулотларни олиб боровчи ўқитувчи зиммасига юклатилган. Талабаларнинг курс ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш бўйича ажратилган соатлар профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари таркибида келтирилган бўлади.

Талабаларнинг мустақил ишларини назорат қилиш назарий ва амалий машғулотлар жараёнида ҳамда корхоналар молияси аудиториядан ташқари ҳолларда амалга оширилади.

Мустақил иш натижалари фаннинг жорий, оралиқ назорати таркибига киритилади ва рейтинг тизими орқали баҳоланади.

Талабаларнинг ёзма курс ва битирув малакавий ишлари тасдиқланган махсус комиссия иштирокида ҳимоя қилинади ва балл берилади (баҳоланади).

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш масалалари гуруҳнинг ва кафедранинг йиғилишларида муҳокама қилиб борилади. Талабаларнинг мустақил равишда бажарган ёзма ишлари ўқув йили давомида кафедрада сақланади.

Курс ишлари ҳамда битирув малакавий ишлари эса тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида институт архивида сақланади. Фанлардан мустақил ишларда фаол иштирок этган ва юқори баҳо (балл) олган талабалар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
5. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
7. Abdukarimov B.A. va boshq. Korxona iqtisodiyoti. Darslik. – Т.: Fan, 2013.
8. Vahobov A.V., Jo'raev A. Soliqlar va soliqqa tortish. Darslik. –Т.: Sharq, 2009. – 526 б.
9. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik. – Toshkent: Noshir, 2012. - 712 б.
10. Yuldashev A. vaboshq. Moliyaviy menejment. O'quv qo'llanma. – Т.: Voris, 2013. – 272 б.
11. Алешин В.А., Зотова А.И.. Финансы. - Ростов н/ Д: Феникс, 2009 г. – 346 стр.
12. Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма. - Т.: Тошкент, 2007. - 108 с.
13. Аникин А.В. История финансовых потрясений. Российский кризис в свете мирового опыта. - М.: ЗАО “Олимп – Бизнес”, 2009 г. – 448 стр.
14. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011 г. – 640 стр.
15. Большаков А.С. Антикризисное управление на предприятии: финансовый и системный аспекты. – СПб.: Изд – во СПб ГУП, 2010 г. – 488 стр.
16. Васильева М.В. Финансовая политика: учеб. Пособие – Ростов н/Д: Феникс, 2008 г. – 220 стр.
17. Вахобов А. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т.: Шарк. 2005.
18. Вахобов Д., Ражабов Ш. Молия. - Т.: ТМИ, 2009. -200 б.

- 19.Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008 й. - 316 б.
- 20.Ковалева В.В. Финансы организаций (предприятий). Учебник. – М.: Проспект, 2010 г. – 352 стр.
- 21.Ковалева В.В. Финансы. Учебник. М.: изд. Проспект, 2008 г. - 640 стр.
- 22.Когденко В.Г. Краткосрочная и долгосрочная финансовая политика. Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2010 г. – 471 стр.
23. Корпоративные финансы. Учебник для ВУЗов. Под ред. Бочарова В.В. –М.: ФБК-ПРЕСС, 2004.
- 24.Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009 й. - 212 б.
- 25.Маликов Т. Ҳайдаров Н. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Iqtisod-moliya, 2009 й. - 556 б.
- 26.Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма - Т.: Iqtisod-moliya, 2009. - 288 б.
- 27.Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. Молия чизмаларида. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009 й. - 660 б.
- 28.Нешиной А.С.Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г. – 592 стр.
- 29.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
- 30.Романовского М.В. Финансы. – М.: Изд. “Высшее образование ”, 2010 г. – 462 с.
- 31.Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения. – М.: КНОРУС, 2010 г. – 440 с.
- 32.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
- 33.Фёдорова Е.А. Финансовая среда предпринимательства и предпринимательские риски. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 306 стр.
- 34.Финансы предприятий. Учебник для ВУЗов. Под ред. Поляка Г.Б. М.: ФиС, 2003.
- 35.Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: Уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008 й. - 112 б.
- 36.Интернет сайтлари:
 - www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси сайти.
 - www.omad.uz – Бизнес ривож учун ахборот портали.
 - www.ziyounet.uz - билимлар сайти
 - www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги портали
 - www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти
 - www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти

ИЛОВАЛАР

1 - илова

«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИДАН ЁЗМА АХБОРОТ (МУСТАҚИЛ ИШ) ЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАВЗУЛАР

1. Корхоналар молиясининг моҳияти
2. Корхоналарда қисқа муддатли ва ўрта муддатли молиялаштириш
3. Узоқ муддатли молиялаштиришда қарз маблағларининг ўрни
4. Корхоналарда банкротлик ва уни банкрот корхоналарни қайта тузиш
5. Корхоналар фаолиятини режалаштириш ва бошқариш
6. Корхоналарда молиявий менежмент
7. Корхоналарда фойда ва рентабеллик
8. Корхоналарда молиявий таҳлилни олиб бориш усуллари
9. Корхоналарда бюджетлаштириш
10. Корхоналарда ўз капиталини бошқариш
11. Корхоналар фойдасининг тақсимланиши
12. Корхоналарда айланма маблағларни бошқариш
13. Корхоналарда пул оқимларини бошқариш
14. Корхоналарни солиққа тортиш
15. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари
16. Корхоналарда молиявий ҳисоботларни тузиш
17. Корхоналарда баҳони ташкил этиш
18. Корхоналарда молиявий активларни бошқариш
19. Корхоналарда асосий воситаларни бошқариш
20. Давлат корхоналари молияси
21. Корхоналарнинг молия-кредит институтлари билан муносабатлари
22. Корхоналар қимматли қоғозлар портфелини бошқариш
23. Корхоналарда бизнес-режани тузиш тартиби
24. Корхоналарнинг инвестициявий фаолияти
25. Корхоналарда лизингдан фойдаланиш
26. Корхоналарда молиявий назорат
27. Корхона мустақил хўжалик субъекти сифатида
28. Корхоналар молиявий фаолиятининг ҳуқуқий асослари
29. Корхоналарни тузиш тартиби
30. Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш

**«Корхоналар молияси» фанидан ёзма ахборотлар (мустақил иш)нинг
намунавий режалари**

Мавзу: Корхоналарда молиявий таҳлил олиб бориш усуллари

Режа

Кириш

1. Корхоналар хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил қилиш моҳияти
2. Корхоналар молиявий-иқтисодий таҳлилининг услублари ва усуллари
3. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлиliga қўйиладиган асосий талаблари ва манбалари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Корхоналарда молиявий назорат

Режа

Кириш

1. Корхоналарда молиявий назоратнинг моҳияти ва функциялари
2. Корхоналарда молиявий назоратни амалга ошириш тамойиллари
3. Корхоналарда молиявий назоратни амалга оширишнинг шакллари ва усуллари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Даромадларнинг корхоналар молиясини

Режа

Кириш

1. Даромадлар корхоналар молиясининг моҳияти
2. Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг таҳлили
3. Бошқа фаолият турларидан олинган даромадларнинг давлат корхоналари молиясидаги ўрни

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Корхоналарда молиявий менежмент

Режа

Кириш

1. Корхоналарда молиявий менежмент тушунчасининг моҳияти
2. Молиявий ресурслар таъминоти шакллари ва усуллари
3. Молиявий менежмент тизимида капитални ва айланма ресурсларни молиялаштириш жараёнини бошқариш
4. Харажатларни ва даромадларни бошқаришни оптималлаштириш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Мавзу: Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Режа

Кириш

1. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий таснифлаш
2. Акционерлик жамиятлари молияси
3. Масъулияти чекланган жамиятлари молияси
4. Хусусий ва кичик корхоналар молияси

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

3-илова

**«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ» ФАНИ БЎЙИЧА ЁЗМА АХБОРОТ
(МУСТАҚИЛ ИШ)НИНГ МУНДАРИЖАСИ**

**“Корхоналарда молиявий таҳлилни олиб бориш усуллари” мавзуси
бўйича**

Режа

Кириш.....	3
1. Корхоналар хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил қилиш моҳияти..	5
2. Корхоналар молиявий-иқтисодий таҳлилининг услублари ва усуллари.....	9
3. Корхоналар молиявий фаолиятини таҳлиliga қўйиладиган асосий талаблари ва манбалари.....	13
Хулоса.....	15
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	17
Иловалар.....	18

Ўзма ахборот (мустақил иш) муқовасини расмийлаштиришнинг
намунавий шакли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ»

фанидан

«КОРХОНАЛАР МОЛИЯСИ МОҲИЯТИ»

мавзусидаги

МУСТАҚИЛ ИШ

Бажарди: _____ курс _____ гуруҳ
талабаси _____

(талабанинг Ф.И.Ш.)

Илмий раҳбар: _____
(илмий даражаси, унвони)

(фамилияси, исми, шарифи)

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I. «Корхоналар молияси» фанининг мазмуни, аҳамияти ва талабалар касбий маҳоратини шаклланишида тутган ўрни.....	4
II. «Корхоналар молияси» фанини ўқитиш шакллари ва технологияси...	5
III. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти.....	8
IV. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари.....	9
V. «Корхоналар молияси» фани бўйича мустақил ишларни бажаришнинг услубий жиҳатлари.....	10
VI. Талабалар мустақил ишларининг ахборот манбалари.....	12
VII. Талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолашнинг услубий асослари.....	13
Тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар рўйхати.....	14
Иловалар.....	16

Самарқанд иқтисодиёт

ва сервис институти

Институт босмахонаси,

Буюртма №

Ҳажми 1,25 б.т.

Адади 50 нусха